



The role and functions of modern parliament in the system of form of government

Khayitjon TURDIEV¹

Tashkent State Law University

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2022

Received in revised form
20 June 2022

Accepted 25 July 2022

Available online

15 August 2022

Keywords:

principle of separation of
powers,
system of checks and
balances,
legislative power,
executive power,
parliamentary control,
goals,
principles of parliamentary
control.

ABSTRACT

This article is devoted to the institution of parliamentary control in the Republic of Uzbekistan, its role and importance in the structure of the functions of the Parliament of Uzbekistan. The author of the article analyzes various approaches to the concept of parliamentary control in the theory of constitutional law, in national legislation. The author's definition of parliamentary control is formulated. Emphasis is placed on the need for a clear fixing of this term in the current legislation of the Republic of Uzbekistan. The article reflects the goals of parliamentary control, their characteristics are given. the constitutional and legal institution of parliamentary control in the Republic of Uzbekistan is considered from the point of view of its place in the system of state government. Highlighted the special role of parliament as a representative institution of the people, expressing its will. An assessment of the effectiveness of the implementation of parliamentary control by the parliament at the present stage of the country's development is given. Questions are raised about the directions for improving parliamentary control. The author made an attempt to justify the provisions of the Law of the Republic of Uzbekistan "On parliamentary control" scientifically and theoretically, identified a number of issues that require scientific and practical discussion and profound scientific and theoretical study.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss7/S-pp104-113>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ PhD, acting associate professor, Tashkent State Law University. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: x.turdiyev@tsul.uz.

Давлат бошқаруви тизимида замонавий парламентнинг роли ҳамда функциялари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ҳоқимиятларнинг бўлиниши принципи, ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизими, қонун чиқарувчи ҳоқимият, ижро ҳоқимияти, парламент назорати, парламент назоратининг мақсадлари, принциплари.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида парламент назорати институти, унинг Ўзбекистон парламенти функциялари тузилмасидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган. Мақола муаллифи конституциявий ҳуқуқ назариясида, миллий қонунчиликда парламент назорати тушунчасига турлича ёндашувларни таҳлил қилади. Парламент назорати тушунчасига муаллиф таърифи шакллантирилган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида мазкур атаманинг аниқ ёритилиши заруриятига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада парламент назоратининг мақсадлари, уларнинг хусусиятлари акс эттирилган. Ўзбекистон Республикасида парламент назорати конституциявий-ҳуқуқий институти давлат бошқаруви тизимидаги ўрни нуқтаи назаридан кўриб чиқиладди. Уларда парламентнинг халқнинг вакиллик институти, унинг иродасини ифодаловчи алоҳида ўрни ёритилган. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида парламент томонидан парламент назоратини амалга ошириш самарадорлигига баҳо берилган. Парламент назоратини такомиллаштириш йўналишлари юзасидан муҳим масалалар хусусида сўз юритилган. Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунини илмий-назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилди, илмий-амалий муҳокама ва чуқур илмий-назарий ўрганишни талаб қиладиган қатор масалаларни белгилаб берди.

Роль и функции современного парламента в системе государственного управления

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

принцип разделения властей, система сдержек и противовесов, законодательная власть, исполнительная власть, парламентский контроль, цели, принципы парламентского контроля.

Данная статья посвящена институту парламентского контроля в Республике Узбекистан, его роли и значении в структуре функций парламента Узбекистана. Автор статьи анализирует различные подходы к понятию парламентского контроля в теории конституционного права в национальном законодательстве. Формулируется авторское определение парламентского контроля. Делается акцент на необходимости четкого закрепления данного термина в действующем законодательстве Республики Узбекистан. В статье отражены цели парламентского контроля, дана их характеристика. Рассматривается конституционно-правовой институт парламентского контроля в нашей республике с точки

зрения его места в системе государственного управления. Отмечается особую роль парламента как представительного учреждения выражающего волю народа. Дается оценка эффективности осуществления парламентского контроля парламентом на современном этапе развития страны. Затрагиваются вопросы о направлениях совершенствования парламентского контроля. Автором сделана попытка научно-теоретического обоснования положений Закона Республики Узбекистан «О парламентском контроле», обозначен ряд вопросов, требующих научно-практического обсуждения и глубокой научно-теоретической проработки.

Давлат ҳокимияти тизимида қонун чиқарувчи орган сиёсий манфаатларни амалга ошириш воситасига айланмоқда. Парламентаризм конституциявий амалиётининг ривожланиши натижасида жаҳон мамлакатлари амалиётида ҳукуматни шакллантириш, унда парламентнинг иштирокини кучайтириш, парламент назоратининг янги шакл ва услубларини ишлаб чиқиш орқали ҳукумат фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш, парламент олдида ҳукуматнинг жавобгарлиги кучайиб бориши ҳамда парламент ва ҳукумат муносабатларининг ҳуқуқий табиати ўзгариши билан боғлиқ жараёнларга муҳим илмий-амалий аҳамият тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, “парламент” сўзи қадимги французча “parlement” сўзидан келиб чиққан бўлиб, сўзма-сўз таржимаси “сўзлаш жойи” демакдир [1]. Парламент “фикрни ифодалаш ва шу орқали давлат сиёсатига таъсир ўтказиш жойи бўлиб келган” [2].

Мазкур масалада профессор З.М.Исломовнинг фикрича, “Ҳозирги парламент халқ вакилликнинг олий органи бўлиб, халқнинг суверен иродасини ифодалайди, энг муҳим ижтимоий муносабатларни, асосан, қонунлар қабул қилиш йўли билан тартибга солади, ижро этувчи ҳокимият органлари ва юқори мансбдор шахсларнинг фаолиятини назорат қилади” [3].

“Парламент” ибораси бир қатор мамлакатлар Конституцияларида расмий белгиланган. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясининг 94-моддасига кўра, парламент вакиллик ва қонун чиқарувчи орган ҳисобланиши белгиланган [4]. Ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқот ишларида “парламент” ва “қонун чиқарувчи ҳокимият” тушунчалари ўзаро қиёсланганлигини кўриш мумкин. Г.Мирзаеванинг фикрича, “қонун чиқарувчи ҳокимият” тушунчаси давлат ҳокимиятининг битта тармоғини ва давлат фаолиятининг битта йўналишини ифодалаш учун ишлатилади. Қонун чиқариш – парламентнинг ўта муҳим, аммо ягона бўлмаган функциясидир. Парламент вакиллик ва назорат функцияларини ҳам бажаради [5].

Таъкидлаш лозимки, “қонун чиқарувчи ҳокимият” иборасига нисбатан давлат бошқарувида “парламент” тушунчаси кенгроқ маънони англатади. Шу билан бирга, биринчи атама давлат ҳокимияти функциясига урғу беради, иккинчиси эса давлат ҳокимияти олий органининг номланишини ифодалайди. Ҳар бир мамлакатнинг тили ва тарихий анъаналари таъсирида парламентнинг номи ҳам турлича бўлиши мумкин. Хусусан, Буюк Британия ва Австралияда – парламент,

АҚШ ва Колумбияда – Конгресс, Россия Федерацияси ва Австрияда – Федерал Мажлис, Венесуэла ва Польшада – Миллий Ассамблея, Латвия ва Литвада – Сейм, Ўзбекистонда – Олий Мажлис ва ҳоказо.

Жаҳон тажрибасига кўра, парламент ички тузилиши жиҳатидан, асосан, бир (юникамерал) ва икки (бикамерал) палатали бўлади. Парламентнинг тузилиш шакли ҳукумат билан алоқаларнинг тизимини белгилайди. Парламентнинг ички тузилиши бўйича олимлар орасида мунозаралар мавжуд. Япон олими Х.Кубо юқори ва қуйи палаталардаги кучли партияларнинг мавжудлиги ҳукуматни шакллантириш жараёнларини мураккаблаштириб, унга жиддий таъсир кўрсатишини таъкидлайди [6].

Профессор А.З. Мухамеджанов эса икки палатали парламент тузилмаси ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасида янада барқарор мувозанатни сақлаши, у палаталардан бири зиддиятга киришган тақдирда ҳукумат томонидан анча енгил ва осон муросага келиштириш имкони яратилишини таъкидлайди [7]. Бизнингча, икки палатали парламент шароитида қонун ижодкорлиги бир неча босқичларни ўз ичига олиб, бу жараёни мураккаблаштира-да, қонунлар сифатини яхшиланади ва ҳудудий манфаатлар тўлиқ ифодаланади ҳамда парламент ва ҳукумат ўртасида юз бериши мумкин бўлган сиёсий инқирозларнинг олди олинади.

Сиёсий ва ҳуқуқий адабиётларда “парламентаризм” қарор топиши даражаси бевосита ҳар бир давлатнинг бошқарув шакли билан боғлиқ эканлиги таъкидланган. Литвалик олим З.Норкуснинг фикрича, демократик давлат қуришнинг асоси конституцияда парламент ёки президентлик бошқаруви шакли ўртасида танлов имконияти мавжуд бўлиши билан боғлиқ [8]. Фикримизча, “парламентаризм” тушунчаси “парламент”га нисбатан кенг маънони англатиб, ўз ичига парламентнинг ҳокимиятлар бўлиниши принципидаги ўрнини ифодаловчи ҳуқуқий нормаларни қамраб олади ҳамда демократиянинг тараққий этганлиги, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя қилинишининг белгиси ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ўрни ва ижро этувчи ҳокимият билан муносабатларининг ҳуқуқий табиати унинг функциялари билан белгиланади. Парламент назорат функцияларига қараб давлат бошқаруви шаклига мувофиқ турли хил ваколатларга эга бўлади. Парламент функциялари бўйича ҳуқуқшунос олимлар турли қарашларни тақлиф қиладилар. Масалан, россиялик ҳуқуқшунос олим Ю. Тихомиров томонидан парламентнинг функциялари қонунчилик, вакиллик, конституциявий, ички-ташкилий ва назоратга ажратилади [9]. Профессор Ш.Зулфиқаров эса парламентнинг функцияларига қонун ижодкорлиги, вакиллик, ҳукумат фаолияти устидан назорат, давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, бюджетни қабул қилиш ва назорат қилиш кабиларни киритади [10]. Бироқ Ш.Зулфиқаров томонидан берилган таърифда “парламент функцияси” ва “парламент ваколатлари” биргаликда таърифланган. Фикримизча, бу борада Р.Ҳакимовнинг таърифига қўшилган ҳолда қайд этиш мумкинки, парламент ваколатлари унинг функциялари доирасида шаклланади.

Парламентнинг вакиллик функцияси орқали халқнинг иродасини ифодалаш ва фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиши таъминланади. Парламентнинг таъсис этиш функцияси орқали давлат органлари ҳокимият институтларини тузади ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради.

Давлат бошқарув шаклини аниқлаш мезонларидан бири сифатида парламентнинг қонунчилик ваколатлари хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқида қонунчилик компетенцияси бўйича қуйидаги уч турга бўлинади: 1) мутлақ аниқ – қонун қабул қилиниши мумкин бўлган масалалар доираси чегараланмаган давлатлар (Буюк Британия, Греция, Польша); 2) нисбатан чекланган – қоида тариқасида, федерация субъектлари ёки автоном бирликларнинг қонунчилик ваколоти мавжудлиги (АҚШ, Ҳиндистон, Испания); 3) мутлақ чекланган – конституцияда қонунчилик ваколоти масалалари доираси қатъий белгиланган (Франция, Португалия) [11]. Парламентаризм қарор топишининг кафолати ва парламентнинг назорат функцияси объекти сифатида ижро ҳокимияти намоён бўлади. С.Салманнинг фикрича, парламентнинг назорат функцияси “чекловлар ва мувозанат воситаси бўлиб, ижро ҳокимиятини назорат қилиш орқали ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олди олинади” [12].

Парламентнинг функциялари ичида назорат функцияси алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига илк маротаба 2014 йилда киритилган “парламент назорати” тушунчасининг мустаҳкамланиши 2016 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилинишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикасида парламент назоратининг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин: конституция ва қонунлар, парламент қарорлари ҳамда давлат бошлиғи қарорлари юзасидан давлат дастурларини ижро этиш тўғрисидаги; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш бўйича; мудофаа ва хавфсизлик бўйича; давлат бюджети ижроси юзасидан; давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларини шакллантириш юзасидан назорат; ташқи сиёсий фаолият юзасидан назорат.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ парламент назоратининг субъектлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: Олий Мажлис палаталари, унинг органлари, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар, Сенат аъзолари ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Бугунги кунда “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек, ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Парламент назоратининг объекти давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти ҳисобланади [13].

“Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда ушбу фаолиятнинг асосий принциплари мустаҳкамланмаган. Парламент назорати фаолиятининг асосий принципларини қонунчиликда акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Европа парламенти парламент назоратининг тўртта умумий принципига асосланган ҳолда иш юритишини кўрсатади: давлат ҳокимияти органлари ўртасида мувозанат ва ўзаро бир-бирини тийиб туриш; шаффофлик; сайловчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш; ҳисобдорлик [14].

Парламент назоратининг шакллари ва усуллари ҳар бир давлатнинг бошқарув шаклидан келиб чиқиб бир-биридан фарқ қилади. Шу маънода парламент назорати парламентар ва аралаш бошқарув шаклидаги давлатларда юқори аҳамиятга эга. Дунё амалиётида парламент назорати, асосан, ёзма ва оғзаки усулларда амалга оширилади. Унинг асосий шакллариға қуйидагиларни киритиш мумкин:

- парламент сўрови;
- депутат ва сенатор сўрови;
- интерпелляция;
- парламент эшитувлари;
- “ҳукумат соати”;
- парламент текшируви;
- танбеҳ резолюцияси.

Парламент сўровлари хорижий амалиёт ва миллий қонунчилик тизимида етарли даражада ривожланган парламент назоратининг ҳуқуқий воситасидир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг сўровлари парламент сўрови ёки унинг аъзолари депутат ҳамда сенатор сўровлари шаклида амалга оширилади.

Мамлакатимиз парламент сўрови институти ҳуқуқий асослари парламент палаталари ва ҳукуматнинг фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2008 йил 26 августдаги 854–I-сон Қарори билан тасдиқланган “Парламент сўровини амалга ошириш тартиби”да белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Қонунига кўра, Қонунчилик палатаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли” =[15]дир. Парламент сўровини юбориш ҳақидаги таклиф палата кўмиталари, фракциялар, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилиши белгиланган. Депутат сўрови тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан, Сенатор сўрови эса тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талабдир.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида парламент сўровлари “интерпелляция” деб номланади. Бироқ мазкур институт парламент сўровидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Финландия қонунчилигига кўра, парламент (Эдускунто)нинг камида йигирма аъзоси ҳукуматга ёки унинг аъзосига нисбатан интерпелляция тақдим қилиши мумкин. Мазкур мурожаат парламент мажлисида кўриб чиқилади, унинг яқунлари бўйича ҳукуматга овоз бериш орқали ишончсизлик резолюцияси билдирилиши мумкин. Бунда конституцияға мувофиқ, агарда ҳукумат ёки унинг аъзоси ишончга эга бўлмаса, мамлакат Президенти уларни истъефога чиқаришга мажбур бўлади [16].

Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасида жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Бунда Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади. Амалиётда шу даврга қадар мамлакатимизда парламент текшируви комиссияси бир маротаба тузилган [17]. Бироқ “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган кундан бошлаб ҳозиргача бундай текширув ўтказилмаган. Бунинг асосий сабаби қонун ҳужжатларида парламент текширувини ўтказиш тартиби, муддати ва натижалари билан боғлиқ барча тартиб-қоидалар батафсил баён этилмаганлигидир. Хорижий тажриба эса бу институтдан самарали фойдаланиш парламент назоратининг энг оқилона ва кучли воситаси эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунида парламент текшируви тушунчаси қўлланилган. Маълумки, “текширув” сўзи “ўрганиш”, “бажарилишини назорат қилиш”, “тафтиш” маъноларини билдиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “суриштирув” сўзи маълум ҳолат бўйича “бутун тафсилоти билан билиб олиш”, “тагига етиш учун сўроқлаш”, “аниқлаш” маъноларини англатади. Суриштирув ишларни тергов қилишнинг дастлабки даври ҳисобланиб, айнан шу босқичда “парламент муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганати” ҳамда тўпланган маълумотларни ваколатли тергов тузилмаларига топширади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хориж тажрибасини инобатга олиб, парламент текшируви иборасини ўзгартирган ҳолда парламент суриштируви шаклида бериш мазмунан бир хилликни таъминлайди.

Шу билан бирга, парламент текширувини қўзғатиш жараёнининг асосини ва тартибини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Парламент текширувига асос бўлувчи Конституция билан кафолатланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўпол равишда бузиш фактлари мавжуд бўлган ҳолатда, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактлар ёки воқеалар мавжуд бўлганда, табиий ва техноген фавқулодда вазиятларнинг салбий оқибатлари билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд бўлганда Олий Мажлис Сенати аъзолари ёки Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг тўртдан бир қисми томонидан Сенат раисига ёки Қонунчилик палатаси Спикерига парламент текширувини қўзғатиш ташаббуси ҳуқуқи ҳақидаги қонунда қонунга киритиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, парламент текширувини ўтказишнинг аниқ муддатининг белгиланиши ҳокимиятлар бўлинишининг умумий назариясига мос бўлиб, текширув комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида фаолият олиб бориши ҳамда ўз-ўзидан янги сайланган парламентда ушбу комиссиялар фаолияти тугатилишини билдиради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда парламент назоратининг асосий йўналишларини такомиллаштиришда парламент назоратининг ҳаракат доираси ва мезонини белгилаш мақсадида парламент назоратининг принципларини киритиш, парламент назоратини амалга ошириш кафолатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ҳамда келажақда қонунчиликда Олий Мажлис палаталарининг “Парламент текширувини ўтказиш тартиби”ни ишлаб чиқиш, унда парламент текширувини қўзғатиш ташаббуси ва тартиби, муддати, парламент

текширув комиссиясининг хулосаси ва қарори, натижалари ўз ифодасини топиши ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиш мумкинки, замонавий парламент – ўзининг мустақил позициясига эга бўлган, фақат парламент фаолияти билан шуғулланувчи аъзолари (депутат ва сенаторлар) парламент фракциялари мавжуд бўлган ҳамда олий юридик кучга эга бўлган энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни қабул қилишда монопол ҳуқуқга эга органдир.

Давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ўрни ва роли унинг “функциялари ва ушбу функцияларнинг қай даражада амалга оширилаётганлиги” [18], ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга ошириш даражаси, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ҳамда назорат қилишда парламентнинг иштирок этиши кабилар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга оширувчи олий давлат вакиллик органидир. Мустақиллик йилларида миллий парламентни сифат жиҳатидан ривожлантириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш асоси бўлган Ўзбекистон Республикасининг парламенти икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан ҳамда Сенат (юқори палата)дан иборат. Қонунчилик ҳокимияти давлат ҳокимиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни такомиллаштириш давлат ҳокимияти бутун тизимининг тарихий эволюцияси билан боғлиқ. Шу сабабли қонун чиқарувчи олий органларнинг қарор топиши ва ривожланиши муаммоларини ҳар томонлама таҳлил этиш давлат қурилиши назарияси ва амалиёти учун, Ўзбекистон парламентаризмининг келажаги учун теран аҳамият касб этади [19].

Дунёда барча ҳуқуқий демократик давлатлар томонидан ҳокимиятлар бўлиниши принципи давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принципи сифатида эътироф этилиб, парламент ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанатини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Парламент ва ҳукумат муносабатлари механизмини тадқиқ этиш, авваламбор, ҳокимиятлар бўлиниши принципи моҳиятини очишни тақозо этади. Иккинчидан, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ҳуқуқий мақоми унинг функция ва ваколатлари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ҳамда назорат қилишда парламентнинг иштироки билан белгиланади. Ҳукумат ижро ҳокимиятининг олий органи сифатида қонунлар ижросини таъминлаб, давлат ишларини бошқаради, қонуности ҳужжатларини қабул қилади ҳамда бюджет, ташқи сиёсат масалалари, жамиятда тартибни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни амалга оширади. Учинчидан, бугунги кунда республикада давлат ҳокимиятини демократлаштиришда парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва ролини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари асосида ҳукуматнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ҳамда парламент ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари долзарб ва муҳимдир.

Қайд этиш жоизки, ҳокимиятлар бўлиниши принципида икки ҳокимият тармоғининг ўзаро алоқалари самарадорлигини ошириш мақсадида парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ этиш, давлат бошқарувини самарали

амалга ошириш, қонунлар ва давлат дастурларининг ижросини таъминлаш сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилишнинг самарали механизмларини яратишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини ривожлантириш, ҳукуматни шакллантириш жараёнида парламент иштирокини кучайтириш, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгарлигини ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлисининг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларини ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш масалалари устувор вазифа этиб белгиланган. Бугунги кунда миллий парламентнинг давлат бошқаруви тизимидаги ролини ошириш ва функцияларини такомиллаштириш ҳамда унинг бошқа давлат ҳокимияти олий органлари билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувининг элементларидан бири сифатида парламентнинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва функциялари қуйидаги ўзига хос шаклларда амалга оширилади: биринчидан, давлат ҳокимияти тизимида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари муносабатига қараб парламентаризм қарор топишининг ўзига хос модели, Ўзбекистон Республикасида дуалистик парламентаризм асослари шаклланганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президент олдида жавобгар ҳисобланади; иккинчидан, ҳукуматни шакллантиришда парламентнинг иштироки давлатнинг бошқарув шаклига таъсир қилади. Давлат бошқарувини демократлаштириш билан боғлиқ ислохотлар натижасида парламентнинг Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш жараёнидаги ролини янада оширишга хизмат қилмоқда; учинчидан, парламентаризмнинг асосий белгиларидан бири сифатида парламент назорати институти ва унинг шакллари ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Oxford English Dictionary, Third Edition, 2005, URL: https://en.wikipedia.org/wiki/Parliament#cite_note-3.
2. Қудратхўжаев Ш.Т. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. [Prospects for the formation and development of a professional parliamentary system in Uzbekistan as a political institution.] diss.for cand.legal science... – Tashkent: DBA, 2005. – P. 16.
3. Ислотов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / [Theory of state and law] Responsible editor: Н. Rahmonkulov, Н. Boboev. Т.: Adolat, 2007. – P. 357.
4. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_28399/b1cc9eda7877c41dda0c988cbd0c10ba155c9166/.
5. Мирзаева Г. Қонун чиқарувчи ҳокимият (назарий-ҳуқуқий таҳлил). [Legislative power (theoretical and legal analysis)] diss.for cand.legal science... – Tashkent: 2004. – P. 45.

6. H. Kubo. The Impact of Bicameralism on the Disproportionality of Cabinet Portfolio Allocation. *japanese political science review* 3 (2016), – P. 132. (DOI: 10.15545/3.127).

7. Мухамеджанов А.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш. [Formation of organizational and legal framework of bicameral parliament in the Republic of Uzbekistan] diss.for doctor.legal science... – Tashkent:DJQA. 2004. – P. 44.

8. Z. Norkus Parliamentarism versus Semi-presidentialism in the Baltic States: The Causes and consequences of differences in the constitutional frameworks. *Baltic journal of political science*. December 2013, – No 2, – P. 7.

9. Е. Вандишев, А. Сунгуров Контрольная функция парламента: парламентские комиссии по расследованию и счетные палаты [The control function of the parliament: parliamentary commissions of inquiry and accounting chambers] // *Bulletin of the Tomsk State University Philosophy. Sociology. Political science*. 2015. No. 3 (31) – P. 64].

10. Парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. [The relationship between parliament and government: a comparative analysis]. Monograph. // Sh.Zulfikarov et al. // – Tashkent: TSU Publishing House, 2015. – P. 12.

11. Парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.[The relationship between parliament and government: a comparative analysis]. Monograph. // Sh.Zulfikarov et al. // – Tashkent: TSU Publishing House, 2015. – P. 16.

12. S.Salman The power of parliaments: understanding why and how parliamentary power changes in transitioning democracies. PhD Dissertation. American University, Washington, 2017. – P. 10.

13. 13.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 10.12.2019 й., 03/19/590/4129-сон // <https://lex.uz>.

14. Office for Promotion of Parliamentary Oversight, European Parliament (2013). // https://www.dcaf.ch/sites/default/files/publications/documents/EP_Parliamentary_Oversight_Security_Sector_2013_BOH.pdf.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 10.12.2019 й., 03/19/590/4129-сон // <https://lex.uz> [Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 10.12.2019, No. 03/19/590/4129 // <https://lex.uz>.

16. А.Г. Овсепян Институт парламентского контроля в зарубежных странах (на основе сравнительного анализа конституций европейских государств) [The Institute of Parliamentary Control in Foreign Countries (Based on a Comparative Analysis of the Constitutions of European States)] // *North Caucasian Legal Bulletin*, 2010, – No. 4, – P. – 7517.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2005 йил 23 майда қабул қилинган 60-I-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссияси тузиш тўғрисидаги қарор // [Resolution of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan No. 60-I of May 23, 2005 on the establishment of an independent commission of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan to investigate the events in Andijan] // *Bulletin of the Chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan*, 2005, No. 5, 157-article.

18. Хакимов Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари. [Parliament in the system of state power: problems of theory and practice] diss.for cand.legal science... – Tashkent:TSUL. 2009. – P. 41. Юрид. фан. номз. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 41.

19. <https://parliament.gov.uz/uz/about/history/index.php>.